

TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI

"O'ZBEKISTON IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISHNING ILMIY
ASOSLARI VA MUAMMOLAR" ILMIY TADQIQOT MARKAZI



"MOLIYA BOZORINI RIVOJLANTIRISHNING USTUVOR
YO'NALISHLARI, ZAMONAVIY TENDENSIYALARI VA
ISTIQBOLLARI"

mavzusidagi
Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi

MATERIALLAR TO'PLAMI
2022-yil 25-noyabr

Toshkent 2022

Баҳронов Б.Р.	ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ХОРИЖИЙ МАБЛАҒЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ БОШҚАРИШ ВА ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	276
Бабаева Г., Баходиров М.	ЦИФРОВИЗАЦИЯ И ВНЕДРЕНИЕ ИССКУСТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В БАНКОВСКУЮ СФЕРУ	277
Махмудов Б.	МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИГИГА ТАЪСИР ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙУЛЛАРИ	279
Баҳронов Б.Р.	ТИЖОРАТ БАНКЛАРИГА ХОРИЖИЙ МАБЛАҒЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙУЛЛАРИ	281
Турсунов Ж.П.	ПЕНСИЯ ИСЛОХОТЛАРИНИНГ КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ	283
Муродуллаева Ш.	ПЕНСИЯ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХОТЛАР	286
Рахматуллаев Б.А.	ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР ШАРОИТИДА АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КАПИТАЛЛАР ТАРКИБИНИ ШКЛАНТИРИШ НАТИЖАЛАРИ	288
Маликова Д.М	МЕТОДИКА ОЦЕНКИ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ	290
Шарипова Н.Ҳ	МАРКАЗИЙ БАНК БАНКЛАРАРО ТЎЛОВ ТИЗИМИНИНГ ХАЛҚАРО МОЛИЯ БОЗОРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ СИФАТИДА РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	292
Эшбоев А.А.	БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИДАГИ МОЛИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАР	296
Allibekov O.Z.	PENSIYA TA'MINOTINING IQTISODIY VA MOLIYAVIY ASOSLARINI MUSTAHKAMLASH MASALALARI	298
Mamanazarov M.U.	PENSIYA JAMG'ARMASI MABLAG'LARIDAN INVESTITSION MAQSADLARDA FOYDALANISHNING XORUJ TAJRIBALARI	299
Темиров А.А.	ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ	300
Ашуррова О.Ю., Давронов П.	ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ	303
Фаттахова М.А	ОСОБЕННОСТИ ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ БАНКОВСКИХ УСЛУГ И УКРЕПЛЕНИЕ ЛИКВИДНОСТИ БАНКОВ	305
Атаниязов Ж.Ҳ., Наримонов С.С.	ФОНД БОЗОРИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИНИНГ БИРЛАМЧИ ВОСИТАСИ	308
Хусаинов Р.Ш.	ЦИФРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ НА РЫНКЕ ЦЕННЫХ БУМАГ	310
Султонов Ш.Н.	ФОНД БОЗОРИНИ ТАРТИБА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ	313
Игамова Ш.З, Жамилова Э.В.	ОСНОВНЫЕ ЗАДАЧИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СУБЪЕКТОВ ФИНАНСОВОГО РЫНКА	314
Ширанова М.И.	МОЛИЯ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯ БАНКЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ	316
Husanov U.B., Husanov U.B	RAQAMI LI IQTISODIYOT, ZAMONAVIY BOSHQARUV RIVOJLANISHIMIZNING YANGICHA TIZIMI	321
Normurodov S.N.	KEY DIRECTIONS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF DEVELOPMENT- BASED HOUSING MANAGEMENT QUALITY MANAGEMENT SYSTEM	322
Boboxo'jayeva F.Q.	BANKLarda MARKETING SIYOSATINI OLIB BORISH BUGUNGI KUNNING DOLZARB MASALASIDIR	325
Ibragimov G.A., Muhammedova Sh.D.	BOJXONA FAOLIYATI TRANSFORMATSIYASIDA RISKLARNI HISOBGA OLİSH	326
Eshmurodova M.M., Jo'raqulova N.Z, Negmatova S.E.	MOLIYAVIY JARAYONLARNI BOSHQARISHDA IQTISODIY BILIMLARNING АҲАМИЯТИ	329
Бекмуродова Г.А.	ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РАҶАМЛИ МАРКЕТИНГ ЖАРАЁНЛАРИНИ РИВОЖЛANIШИ	331
Данабоев И.	ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МЕЪЕРИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	334
Нарзуллаева Г.С., Ахмедова З.О.	МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАНК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ	336

- хусусийлаштириш мамлакатлар иқтисодий ривожланиш даражаси билан бевосита боғлиқ ҳамда ушбу жараённинг ижобий самараси учун хусусийлаштириш жараёни изчил ва узоқ давом этиши зарур;

- хусусийлаштириш кўп ҳолларда давлат қарзини тўлаш муаммоси билан боғлиқ бўлади, яъни мамлакатлар томонидан кўп ҳолларда хусусийлаштириш амалиётини бошлишига давлат қарзининг юқори даражаси сабаб бўлади. Шунга кўра, мамлакатлар ушбу жараёнга давлат қарзини тўлаш нуқтаи назарида муносабатда бўлмаслиги зарур;

- молия бозорида ликвидлилик юқори чўққисида давлат мулки объектларига бўлган хусусийлаштиришга ижобий муносабатда бўлинади;

- сиёсий ва институционал омиллар мамлакатнинг хусусийлаштириш сиёсатига бевосита таъсир қиласи.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштириш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ҳамда йирик давлат активларини трансформация қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг ислоҳотлар иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларидаги давлат монополиясини қисқартириш, корхоналар ўртасида рақобат мухитини шакллантириш ҳамда хусусий мулкчиликни янада ривожлантиришга хизмат қиласи.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси

2. Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Гофуров. Иқтисодиёт назарияси, Тошкент 2009.

3. Полтерович В.М. . Приватизация и рациональная структура собственности. Москва Институт экономики, 2012.

4. Lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАНК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Нарзуллаева Г.С., Ахмедова З.О.

Бухоро давлат университети

Бугунги кунда жаҳон миқёсида миллий иқтисодиёт тушунчаси жуда ҳам юқори маънони ангатувчи тушунча бўлиб, ҳар бир давлатнинг миллий иқтисодиёти мамлакатни барқарорлигини баҳолаб берувчи энг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланди. Ҳар бир давлатнинг миллий иқтисодиёти таркибига мамлакатнинг барча ишлаб чиқариш имкониятлари, қайта ишлаш салоҳияти, меҳнат ресурслари, табиий ва моддий бойликлари, ақлий интеллектуал салоҳияти ҳамда барча бойликлари киради. Миллий иқтисодиёти кучли бўлган давлат бошқа давлатларга моддий, маънавий ва ақлий жиҳатдан ҳеч қачон қарам бўлиб қолмайди.

Шунинг учун ҳам ривожланган давлатларда миллий иқтисодиётни барқарор даражада ривожлантиришга қаратилган кўплаб инновацион янгиликлар амалга оширилмоқда. Жумладан, миллий иқтисодиётни кенгайтириш, уни инновацион ва рақамли технологиялар орқали бошқариш, табиий захира бойликларини келгувси авлод вакиллари учун сақлаб қолиш, мамлакатни инфратузилмасини яхшилаш, аҳолини интеллектуал салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш имкониятларини такомиллаштириш, маҳаллий ресурсларни тежаш, смарт технологиялардан самарали фойдаланиш, қайта тикланувчан энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш, моддий бойликларни тежаш, туризм салоҳиятини ошириш, экспорт маҳсулоларни кенгайтириш, валюта захирасини сақлаб қолиш, миллий бойликларни асраб-авайлаш

ҳамда банк тизимини такомиллаштириш орқали миллий иқтисодиётни барқарорлигини ошириш ва ривожлантиришга эришилмоқда.

Бугунги кунда жаҳондаги ривожланган давлатларнинг миллий иқтисодиёти барқарорлигини оширишда замонавий инновацион банк тизимининг такомиллашганлиги ҳисобланади. Миллий иқтисодиёт таркибидаги барча иқтисодий муносабатларни асосан банк тизими орқали тартибга солинади. Шунинг учун ҳам ривожланган давлатларда банк хизматлари инновацион жиҳатдан такомиллашган бўлиб, барча иқтисодий муносабатлар банклардаги тезкор операциялар орқали амалга оширилади.

Мамлакатимизда ҳам миллий иқтисодиётни ривожлантириш борасида Муҳтарам, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан кўплаб сай ҳаракатлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, табиий ва миллий бойликларни асраб-авайлаш, маҷаллий ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, қайта ишлаш соҳасини такомиллаштириш орқали чиқиндиларни қайта ишлаш имкониятларини ошириш, ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш, интенсив усуслар орқали ҳосилдорликни ошириш, миллий валюта захирасини таъминлаш ҳамда банк хизматлари соҳасини такомиллаштириш бўйича амалий илшар бажарилмоқда.

Бундан кўринадики, мамлакатимизда миллий иқтисодиётни бақарорлигини оширишда банк хизматларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Банк хизматларини такомиллаштириш иқтисодий муносабатларда юзага келадиган операцияларни тезкор амалга ошириш имкониятини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сонли Фармонига кўра:

- миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушкини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш;

- рақамли иқтисодиётни асосий "драйвер" соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баробар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш;

- банк тизимини трансформация қилишни якунлаш, хусусий банкларнинг улушкини 2025 йилда жами банк активларининг 60 фоизига етказиш;

банк тизимида молиявий барқарорликни таъминлаш.^[1] каби бир қатор муҳим вазифалар белгиланган бўлиб, уларни амалиётга жорий этилиши миллий иқтисодиётни ривожланишига ҳамда банк хизматларини такомиллашишига хизмат қиласди.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги ПФ-5992-сонли Фармонига кўра:

Куйидагилар Ўзбекистон Республикасида банк секторини ислоҳ қилишнинг асосий ўйналишлари этиб белгилансин:

- молия бозорида teng рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш ва фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банклар фаолиятига хос бўлмаган функцияларни босқичма-босқич бекор қилиш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш;

- кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган макроиктисодий сиёsat юритиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий

таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш;

- етарли даражада хизмат кўрсатилмаётган ва заиф қатламларда давлат иштирокини кучайтириш ва манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳоли ва кичик бизнес учун масоғавий хизматларни кенг жорий қилиш, камхарж хизмат кўрсатиш нуқталари тармоғини ривожлантириш, шунингдек, республика ягона молия тизимининг ўзаро тўлдирувчи қисми сифатида нобанк кредит ташкилотларининг шаклланиши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали молиявий хизматлар оммабоплигини ва сифатини ошириш[2] каби муҳим вазифалар белгилаб берилган бўлиб, уларни амалиётга татбиқ этиш орқали банк тизимини 2025 йилга қадар, ривожлантириш имкониятлари юзага келади. Бундан кўринадики, мамлакатимизда олиб борилаётган замонавий ислоҳотлар банк тизимини ривожланишини таъминлайди.

Шу билан бир қаторда миллий иқтисодиётни ривожлантиришда банк тизимини такомиллаштиришнинг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

банк тизимини рақамлаштиришиш орқали миллий иқтисодиётни янги босқичга кўтариш;

миллий иқтисодиётни ривожлантиришда банк тизимини инновацион технологиялар орқали такомиллаштириш;

миллий иқтисодиётни барқарорлигини оширишда интернет-банкинг электрон хизматларини ривожлантириш ва янги имкониятларини кенгайтириш;

миллий иқтисодиётни ўсишида банк тизимидағи тезкор онлайн хизматлар тизимини ривожлантириш ва инновацион турларини кўпайтириш лозимдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда банк тизимини ҳар томонлама такомиллаштириш мамлакат иқтисодиётини янги имкониятларини оширишга хизмат қиласи.

Банк хизматларини замонавий жиҳатдан такомиллашиши мамлакатдаги иқтисодий муносабатларни тартибга солинишини ҳамда миллий иқтисодиётни ўсишида молиявий дастак бўлишини таъминлайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони, 2022 йил 28 январь.


2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сон Фармони, 2020 йил 12 май.

МОЛИЯ-БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ АХОЛИ ФАРОВОНИЛГИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Паязов М.М.

Фарғона политехника институти, и.ф.н.,
доцент

"Сўнгти бир неча йил ичида бутун дунёда расмий молиявий хизматлардан фойдаланишни таъминлашда сезиларли ютуқларга эришилди", деди Жаҳон банки гурухи президенти Жим Ёнг Ким. "Молиявий инклюзия одамларга оилавий эҳтиёжлар учун пул тежаш, бизнесни қўллаб-қувватлаш учун кредит олиш ёки фавқулодда вазиятлар учун ёстиқ яратиш имконини беради. Молиявий инклюзивликни таъминлаш қашшоқлик ва тенгсизликни камайтириш йўлидаги муҳим қадамдир ва мобил телефонга эгалик қилиш ва интернетдан фойдаланиш бўйича янги маълумотлар молиявий инклюзияга эришиш учун технологиядан фойдаланишнинг мисли кўрилмаган имкониятларини кўрсатади"[1].



1-Расм. Масофавий банк хизматидан фойдаланувчилари[2]

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 1.01.2021 йил ҳолатига кўра аҳолиси 34,6 млн.кишини ташкил этиб, шундан 0-19 ёшгача бўлганлар сони 12,9 млн. кишини ташкил этди, ёши катталар 21,7 млн. кишини ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига асосан 822 минг.киши (1-расм) масофавий банк хизматларидан фойдаланмоқда. Ёши катта аҳолининг 96 фоизи масофавий банк хизматларидан фойдаланмаяпти. Бу дегани аҳолининг 4 фоизи масофавий банк хизматларидан фойдаланмоқда. Global Findex[1] маълумотларига асосан 144 та давлатда онлайн тарзда молиявий хизматлардан фойдаланиш кўрсаткичи таҳлил қилинганида ер юзининг ёш катта 3,8 млрд. яшовчи аҳолисининг 69 фоизи онлайн молиявий хизматлардан фойдалар экан. Ушбу кўрсаткич Хитойда 57 фоиз, Россияда 56 фоиз. Ўзбекистоннинг кўрсаткичларини солиширганимизда Ўзбекистонда бу борада жаҳон онлайн молиявий хизматларини ташкил этиш юзасидан жаҳон давлатлари тажрибасини ўрганиш зарурлигини кўрсатмоқда. 1.01.2021 ҳолатига 21357 та юридик ташкилотлар бўлса шундан 13748 та юридик шахслар онлайн молиявий банк хизматларидан фойдаланган, бу кўрсакич жами юридик ташкилотларга нисбатан олинганида 64 фоизни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга биз муаммони яни излаб кўрдик. Бу масалада корхона ва ташкилотлада мавжуд комьютерлар сонинг интернетга уланганлигини солиширганимизда(1-жадвал) ушбу кўрсаткич бўйича ҳам аҳвол бизни қониқтирмади. Жумладан 2021 йил ҳолатини оладинганида корхона ва ташкилотларнинг интернетга